Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 41 (13.104)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



Оқил Рузмов олган сурат

АСКАРЛАР КУТИБ ОЛИНДИ

"Тошкент" темир йўл вокзалида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир Президентимизнинг 2015 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари М.Умаров, "Нуроний" жамғармасининг Мирзо Улуғбек тумани бўлими раиси И.Алимов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани самарасида миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигит учун фахр ва шоншараф ишига айланганини таъкидлади. Ёшлар армияда фуқаролик бурчини адо этиш баробарида ҳаёт мактабини ҳам ўтамоқда.

– Миллий армиямиз куч-қудрати, халқимизнинг соғлом маънавияти ва метин иродаси тимсоли, мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигининг ишончли кафолати бўлган аскарлардан кўз узиб бўлмайди, – дейди Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Эргашали Тоштемиров. – Бугунги кунда хизматга чақирилган йигитлар жисмоний бақувват ва интеллектуал салоҳиятли ёшлардир. Шундай экан, Ватанимиз ҳимояси ишончли қўлларда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманида истиқомат қиладиган Гулноз Абдусаматова бу фикрга тўлиқ қўшилади. У ўғли армияда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган даврда ҳарбий қисмда яратилган шароитлар билан танишган, Тошкент – Термиз видеокўприги орқали фарзанди билан мулоқотда бўлган.

– Армиядан ўғлим янада кучга тўлиб, ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлиб қайтди, – дейди Гулноз опа. – Бу табиий. Негаки, бугун ҳарбий қисмларда фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан етук бўлиши учун барча шароит яратилган.

– Мен ва ўртоқларим ўз конституциявий бурчимизни адо этдик, – дейди Искандар Абдусаматов. – Аммо Ватанимиз олдидаги ҳақиқий хизмат энди бошланмоқда. Юртимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида янада кўпроқ ўқишимиз, касб эгаллашимиз ва фидокорона меҳнат қилишимиз зарур.

М.ҚАРШИБОЕВ,
ЎзА мухбири

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 25 февраль куни Иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Болгария ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сармоя, нефть-газ, фан ва технология, қишлоқ ва сув хўжалиги, кимё ва озиқ-овқат саноати, сайёҳлик, фармацевтика, ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, меъморлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, логистика, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, инжиниринг ва инфратузилма каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Элёр Ганиев ва бошқалар Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишлар қатори савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳам изчил мустаҳкамланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга. Хусусан, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликка доир қатор битимлар икки мамлакатнинг бу борадаги алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Мажлисда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларини ислоҳ қилиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётда давлат иштирокини босқичма-босқич камайтириш, хусусий мулкнинг улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани қайд этилди. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўн бир йилдан буён 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани ва макроиқтисодий кўрсаткичлар мунтазам ўсиб бораётгани, бунда юртимиздаги барқарорлик муҳим омил бўлаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилаётгани таъкидланди. Халқаро миқёсдаги нуфузли рейтингларда Ўзбекистон иқтисодиёти тез ва барқарор ривожланаётган мамлакат сифатида етакчи ўринларни эгаллаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон ва Болгария ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажмини янада ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан икки томон ҳам манфаатдор эканини таъкидлади. Мамлакатларимиз юклар транзити, логистика, транспорт ва транспорт коммуникациялари, илм-фан, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, энергетика ва хусусий тадбиркорлик каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга экани қайд этилди.

Болгария делегацияси Ўзбекистонда олиб борилаётган кучли иқтисодий сиёсат самаралари, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳамда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг пухта ишлаб чиқилган механизми, "Навоий", "Жиззах" ва "Ангрен" индустриал зоналаридаги кенг имкониятлар ва имтиёзлар билан таништирилди. Меҳмонлар мамлакатимизда фаол олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёни ва бу борадаги янгиликларга, иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг самараларига юқори баҳо берди. Ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Тошкентда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан "Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ва миқдор ўзгаришлари" мавзуида конференция ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, етакчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ва халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши ушбу муҳим соҳада демократик ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ҳужжатда давом этаётган туб ислоҳотларда фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашга доир муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Ҳозирги кунда фуқаролик институтларини ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, демократик туб ўзгаришлар ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасини эркинлаштиришда уларнинг фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Конференция қатнашчилари эътиборига 2015 йил давомида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолатининг мониторинг натижалари тақдим этилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳар йили фуқаролик жамиятида рўй бераётган жараёнларнинг тизимли мониторинги ва таҳлилини ўтказиб келмоқда, ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада оширишга бағишланган турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

Навбатдаги мониторинг натижалари сўнгги йилларда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга ошириш, муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида қонунларга риоя қилиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш устидан жамоатчилик мониторингини ўтказишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кучайганини кўрсатди.

Бу борада мамлакатимизда фуқаролик жамияти ривожланиши, унинг институтлари ташкил этилиши ва мустаҳкамланиши йўлида қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилди. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, касаба уюшмалари, ОАВ, улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Булар фуқаролик жамиятининг институционал тузилмасини ташкил этиб, фуқароларни муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш жараёнига фаол жалб этиш имконини бермоқда.

Мақбул меъёрий-ҳуқуқий шароитлар шаклантирилиши натижасида тегишли инфратузилма – жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда воситачи сифатида иштирок этувчи, фуқароларни турли ижтимоий манфаатларни амалга оширишга жалб қилишга кўмаклашувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ва фондлари, касаба уюшмалари ва сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари кучаяётганлиги ва мустаҳкамланаётганлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ва қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари иштирокида фермерларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш ва уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган қонунчилик базасини янада мустаҳкамлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда ҳарбий хизматчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, чақирилувчиларнинг ота-оналари, ёшлар иштирок этди.

● Термизда "Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ёшларда интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Жиззахда "Ўзбекистон – бағрикенг диёр" мавзуида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган фотокўргазма ўтказилди.

● Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида "Қулай ахборот муҳитида ёшлар онгида ижтимоий-сиёсий жараёнлар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда депутатлар, партия фаоллари, ўқитувчилар ва ёшлар иштирок этди.

● Наманганда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Европа Иттифоқи комиссияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Бошқарув кадрларни тайёрлаш дастури – Ўзбекистон кичик бизнес корхоналари раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар салоҳиятини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида "Бизнесни ривожлантириш ва техник-иқтисодий асосларни тайёрлаш" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Фуқаро авиацияси халқаро ташкилоти (САО) барча йўловчи самолётларида смартфонлар ва фотоаппаратлар учун мўлжалланган литий-ионли аккумуляторларнинг ташилишини тақиқлади.

● Висконсин-Мэдисон университетининг муҳандислари юриш орқали мобиль телефонни қувват билан таъминлаш имконини берадиган кроссовканинг тақдимотини ўтказишди. Тадқиқотлар натижасига кўра, махсус механизм ўрнатилган бир жуфт кроссовка 20 Вт.гача электр энергиясини ишлаб чиқариши мумкин ва бу ҳар қандай гаджет ҳамда смартфонни қувватлаш учун етарли.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Мамлакатларимиз ўртасида узоқ йиллик дўстона муносабатлар қарор топган, – деди ЎзА мухбирига Болгария Республикаси минтақавий тараққиёт ва ободончилик вазири, комиссия ҳамраиси Лиляна Павлова. – Болгарияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш кучли. Айни пайтда мамлакатингизда Болгария сармояси иштирокида тузилган қатор корхоналар фаолият юритаётгани бизни қувонтиради. Уларни янада кўпайтириш тарафдоримиз. Ўзбекистон билан савдо, сайёҳлик, энергетика, табиатни муҳофаза қилиш, транспорт ва логистика, фан, таълим каби қатор соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш имкониятлари катта. Ушбу тадбир мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажмини оширишга, қўшма бизнес лойиҳаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мажлисда ёқилғи-энергетика ва сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар энергия манбалари конларини ўзлаштириш, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш, меҳмонхона бизнесини ривожлантириш, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш юзасидан фикр алмашди. Икки мамлакатнинг ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида бевосита ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

– Мажлис давомида Ўзбекистон иқтисодиёти ва сармоявий салоҳиятига бағишланган маърузаларни тинглаб, мамлакатингиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётгани, бу ерда хорижий ишбилармонлар учун улкан имкониятлар яратилгани ҳақида муҳим маълумотларга эга бўлдик, – деди Болгария кичик ва ўрта корхоналарни қўллаб-қувватлаш агентлиги ижрочи директори Мариета Захариева. – Икки томонда ҳам мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиб, ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада тараққий эттириш ниятидамиз.

Тадбирда биргаликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди. Болгария ишбилармонларининг Ўзбекистондаги инвестициявий муҳитга, акциядорлик жамиятлари фаолиятига қизиқиши ортиб бораётгани қайд этилди. Иқтисодиёт, савдо, сармоя, хусусий сектор, инфратузилма, транспорт, логистика, қишлоқ ва сув хўжалиги, сайёҳлик, фан ва технологиялар каби йўналишлардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва ривожлантиришга келишиб олинди.

Шу куни Ўзбекистон ва Болгария ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, бу борадаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари, мамлакатимизда акциядорлик жамиятларини хусусийлаштириш имкониятларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Болгария делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идораларида музокаралар ўтказди.

Ирода УМАРОВА

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2015 йил январь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунининг кучга кириши давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий ва институционал асосини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонуннинг ижроси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари қошида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилди.

Иштирокчилар томонидан ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши юқори баҳоланди. Сўнгги 8 йил мобайнида уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа ва дастурларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджети ҳисобидан 47,7 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар йўналтирилди. Бу “учинчи сектор”га йўналтириладиган давлат молиявий кўмаги ҳажмининг барқарор ўсиш суръатидан далолатдир.

2015 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант танловларидаги ННТлар сони сезиларли даражада ошганини кўриш мумкин. Агар 2010 йилда грант танловларида 275 ННТ иштирок этиб, улардан 82 таси ғолиб деб топилган бўлса, ўтган йили танловларда қатнашган 528 ННТдан 177 таси грант маблағларини қўлга киритди.

– Ўзбекистонда давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда, – деди “Минтақавий мулоқот” халқаро ноҳукумат ташкилотининг (Словения) Ўзбекистондаги минтақавий директори Мьюша Север. – ННТларнинг рўйхатдан ўтиш тартиби соддалаштирилгани, уларга қўшимча имконият ва имтиёзлар берилгани бунга яққол мисолдир. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли ННТларнинг ижтимоий ва социал-иқтисодий фаоллиги ортиб, фаолият самарадорлиги изчил юксалаётир.

Мамлакатимизда миллий масс-медиа томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш, амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида кенг жамоатчиликни вақтида хабардор қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашга йўналтирилган ислоҳотлар изчил олиб борилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни қонуний тартибга солиш, мустаҳкамлаш, жамият ва давлат бошқарувида фуқаролар иштирокини янада кучайтириш, уларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқидан янада тўлиқ фойдаланишига кенг имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг “очиқлик индекси” ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуни жамоатчилик назоратининг муҳим шакли бўлган фуқаролар мурожаати институтининг ривожланишига асос бўлди. Фуқаролар томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаат қилиш ҳуқуқининг кенгайиши давлат органлари масъулиятини янада оширди.

Сиёсий партиялар фаолиятининг таҳлили уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Ҳудудий вакиллик органларида партиялар гуруҳларининг ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда қонунлар ва давлатнинг бошқа қарорлари ижросини назорат қилиш ташаббусларини илгари суришдаги фаоллиги ўсиб бормоқда. Жумладан, 2014 йилда 1598 депутатлик сўрови йўлланган бўлса, ушбу кўрсаткич 2015 йилда 3505 тани ташкил этган.

Конференцияда ҳудудлардаги долзарб масалаларни ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколат ва таъсир кучини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг манзилли ижтимоий муҳофазасини амалга ошириш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар алоҳида таъкидланди.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида юксак самараларга эришганини алоҳида таъкидлади.

(ЎзА)



Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида кенг ўрин тутади. Бу борада ёшлар ҳар жиҳатдан чуқур билим эгалламоқда.

Ислом Исмоилов олган сурат

Анжуманлар

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Пойтахтимизда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, “Агробанк” акциядорлик тижорат банки томонидан амалга ошириладиган устувор вазифалар ҳамда 2016 йилда банк олдига қўйилган муҳим масалалар” мавзуида анжуман ташкил этилди.

Унда таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ ҳар бир соҳада салмоқли натижалар, улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Бу жараёнда молия муассасаларининг ўрни ва хизматлари айниқса эътиборга молик. Республика Марказий банки томонидан макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, оқилона пул-кредит сиёсатини юритиш борасидаги самарали тадбирлар тижорат банкларининг ресурс базасини янада мустаҳкамлаб, иқтисодиётни молиявий қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўз олдига қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тизимни ҳар тарафлама молиялаштиришни мақсад қилиб қўйган “Агробанк” акциядорлик тижорат банки ҳам бу ислоҳотларда фаол иштирок этиб келаётир. Банк нафақат қишлоқ хўжалиги, балки бошқа тармоқларни ҳам молиявий қўллаб-қувватлашда четда тургани йўқ.

Ўтган 2015 йилда “Агробанк” АТБ томонидан аҳоли ва турли хўжалик субъектларига замонавий, қулай ва тезкор хизматлар кўрсатилди. Бу борада эришилган натижаларни рақамлар доирасида кўрадиган бўлсак, 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 470 млрд. сўм, устав капитали эса 318 млрд. сўмни ташкил этди.

Молия муассасаси томонидан ўтган йилда ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 669 млрд. сўмни ташкил қилиб, белгиланган кўрсаткичлар ижроси таъминланган. Ушбу кредитлар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, алоқа ва транспорт, моддий-техник таъминот ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

Қайд этилганидек, агросаноатни молиявий қўллаб-қувватлаш “Агробанк” АТБнинг стратегик йўналишларидан биридир. Шу боис барча турдаги қишлоқ хўжалик корхоналари, микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳар бир мурожаати муассаса эътиборидан четда қолмаётир.

“Агробанк” АТБ томонидан ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга 2014 йилга нисбатан 130 фоизга кўп, яъни 931 миллиард сўмлик миқдорида маблағ ажратилди.

Анжуманда “Агробанк” АТБнинг жорий “Соғлом она ва бола йили”даги устувор вазифалари ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди. Унда ушбу Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътибор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилиши таъкидланди, шу мақсадда 2016 йилда 1 триллион 196 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиши айтиб ўтилди.

(Ўз мухбиримиз)

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Тадбиркорлар ҳуқуқлари — суд ҳимоясида” мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, бошқарувнинг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Энг муҳими ўтган йилларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг эркин фаолият юритишини таъминлашга қаратилган мустаҳкам норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди.

Биргина 2012–2015 йилларда – демократик ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган 20 га яқин қонунлар қабул қилинди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканлиги йиғилиш иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши қаратилган жиноятларни тизимлаштириш ҳамда уларнинг ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида – Жиноят кодексига “Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар” номли янги боб киритилди. Мазкур бобда – хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, имтиёзлар ва преференциялар қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш, хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб варақаларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олганга жиноий жавобгарлик белгиланди.

Мазкур Қонун тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишда суд органлари зиммасига ҳам алоҳида вазифаларни юклади. Шундан келиб чиқиб, ишларнинг судловга тааллуқлилиги борасида келиб чиқаётган саволларни тушунтириш, мурожаатларнинг тўғри ҳал қилинишини, хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қўшма Қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Қонун қабул қилингандан сўнг, 2015 йилда умумий юрисдикция судлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш каби ҳаракатлар билан боғлиқ 1 та жиноят ва 136 та маъмурий ишлар кўриб чиқилган, 3 нафар шахсга нисбатан жиноий, 128 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган.

Жиноят кодексининг 188-моддасининг янги таҳририга мувофиқ судлар томонидан 2015 йилда 12 та жиноят иши бўйича суд қарори бекор қилиниб, 22 нафар тадбиркорлик субъектлари ходимлари жиноий жавобгарликдан озод этилган. Шунингдек, Жиноят кодекси 189-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари декриминализация қилиниб, судлар томонидан 22 та жиноят иши суд қарорига асосан тугатилиб, 33 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Тадбир иштирокчилари журналистлар саволларига жавоб берар экан, амалдаги қонунларни тадбиркорлик субъектлари, умуман, аҳоли ўртасидаги тарғиботини янада кучайтириш, бу борада қулай ва замонавий имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланиш лозимлигини таъкидлашди.

З. ШАРИФЖОНОВ

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Тозалик, поклик инсон саломатлигини асрайди, атрофга кўрк бағишлайди. Бундай муҳитни яратишда кимёвий ювиш воситалари муҳим ўрин тутади. Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти аҳолининг санитария воситаларидан фойдаланиш имкониятини ўрганиб боради.

2015 йилда ўтказилган ана шундай тадқиқот натижаларига кўра, дунёда фақатгина ўн бир мамлакатда аҳоли тозалик воситалари билан юз фоиз қамраб олинган экан. Австрия, Бельгия, АҚШ, Италия, Япония каби бу давлатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиёт тармоғини модернизациялаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган доимий эътибор самарасида саноатнинг ушбу соҳаси ҳам жадал ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори соҳа ривожида муҳим дастуруламал бўлмоқда. Унга мувофиқ, ушбу йўналишда фаолият юритадиган саноат корхоналарига солиқ, божхона имтиёзлари ва преференциялар берилган. Натижада бозорларимиздан юртимизда ишлаб чиқарилган сифатли, хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар кенг ўрин эгалламоқда.

Замонавий гипермаркет, супермаркет, минимаркет ва бошқа савдо мажмуаларига кирган ҳар бир харидор кимёвий ювиш воситалари териб қўйилган расталар олдидан бефарқ ўта олмайди. Замонавий дизайн асосида қадоқланган маҳсулотлар қадоғининг ўзиёқ ишлаб чиқариш жараёнида қанчалик изланиш олиб борилганини яққол ифода этади. Уларнинг қадоғига маҳсулотлардан фойдаланиш бўйича барча тавсиялар, хавфсизлик қоидаларига риоя этиш тартиблари битилган. Ишлаб чиқарувчи ҳақида аниқ маълумот олиш мумкин.

“Palmera” савдо белгиси остидаги кимёвий ювиш воситаларини бунга мисол келтириш мумкин. “Alviero” хусусий корхонасида бундай маҳсулотларнинг юздан зиёд тури ишлаб чиқарилаётир. Улардан нафақат мамлакатимиз истеъмолчилари фойдаланмоқда, балки экспорт ҳам қилинмоқда. Ушбу кимёвий ювиш воситаларидан ошхона анжомлари, идиш-товоқлар, дераза ойналари, маиший техника воситалари, гарнитурларни тозалашда фойдаланиш мумкин. Таркиби фаол концентратларга бой маҳсулотлар хиҳозлар ва буюмларни тозалаш баробарида, дезинфекциялаш хусусиятига ҳам эга.

Элликдан зиёд ишчи-мутахассис фаолият юритаётган корхонада ишлаб чиқариш тури ва ҳажмини ошириш, савдо жўғрофиясини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

“Bellora” савдо белгиси остидаги идиштовоқ ювадиган геллар ва атир совунлар ҳам бозорда ўз ўрни ва харидорига эга сифатли маҳсулотлар сирасига киради. Пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган “Valessio cosmetics” масъулияти чекланган жамиятида йилига қарийб олти юз миллион сўмлик шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказилмоқда.

“Rainbow cosmetics” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариладиган “As” савдо белгиси остидаги оқ кийим-кечаклар ва кўрпа-тўшак жилдларини ювишда фойдаланиладиган кимёвий ювиш воситалари аёлларга маъқул бўлаётир.

– Уйимиздаги жиҳозлар, рўзғор анжомлари ўз вақтида тозаланмаса, чанг-ғубор, ҳашаротлар кўпаяди, санитария-гигиена муҳити ёмонлашади, – дейди ЎзА мухбирига Қорақўл тумани Манзилобод қишлоғида яшовчи Соҳиба Қиличева. – Бу юқумли касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Бундай муаммонинг олдини олишда кимёвий ювиш воситалари бизга энг яқин кўмакчидир. Ҳозирги кунда нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларимиздаги супермаркетларда ҳам бундай воситаларнинг хилма-хил тури мавжуд.

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, аёлларнинг ижтимоий, маиший шароитларини янада яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси оила юкини елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг чиройи ва чароғбони бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилмоқда, оилалар фаровонлиги ва саломатлигида муҳим омил бўлмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

СОҒЛИҒИГА ЭЪТИБОРЛИ АЁЛЛАР

Ҳар тонг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бир гуруҳ онахонлар жисмоний машқлар ўтказиши анъанага айланган. Шайхонтоҳур туманидаги "Янги обод" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган "Эъзозли аёллар" спорт гуруҳи машғулотлари дастлаб ушбу маҳалла, сўнгра Новза, Камолон дарвоза каби қўшни маҳаллаларда, кейинчалик пойтахтимизнинг турли маҳаллаларида катта қизиқиш уйғота бошлади.



Аёлларимиз ҳамиша эъзозда.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун муносиб шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Янги обод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзурахон Валиева. – Асосан уй бекалари, нафақадаги аёллардан таркиб топган ушбу гуруҳ 2012 йили тузилган. Бугунги кунда спортсевар хотин-қизлар сафи 300 нафарга етди. Ўттиз ёшдан саксон беш ёшгача бўлган бу аёлларнинг қай бири корхона ва ташкилотларда ишласа, бошқалари меҳнат нафақасида бўлса-да, уларни ягона мақсад – спортга меҳр, ўз саломатлиги учун масъулият бир жамоада бирлаштирди.

Инсон муттасил ҳаракат билан тирик. Гуруҳ таркибидаги бувижону табаррук онахонларнинг шаҳди, эпчил ҳатти-ҳаракатига ҳар қандай ёш ҳавас қилса арзийди. Зумрад майсазорда, кўм-кўк арчалар ифорига тўлган бу масканда гуруҳ аъзолари машқларни бажариш билан бирга қуёшнинг илк заррин нурлари ёйилишини ҳам мароқ билан кузатади.

– Сўлим табиат қўйнидаги енгил, содда жисмоний машқларнинг аёлларимиз учун ҳам жисмоний, ҳам руҳий фойдаси катта, – дейди "Эъзозли аёллар" гуруҳининг мураббияси Фароғат Шодиметова. – Соғломлаштирувчи гимнастика машғулотлари турли хасталикларга барҳам берса, она табиат билан бевосита мулоқот инсон руҳиятини енгиллаштириб, юрагига маънавий қувват бағишлайди.

Гуруҳ аъзолигига аёлларни қабул қилишда уларнинг тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича шифокорнинг назоратидан ўтганлиги, соғлиғи ҳақидаги тўлақонли маълумотга алоҳида эътибор қаратилади. Шу асосда уларга турли даражада бўлган жисмоний соғломлаштириш машқлари тавсия этилади.

Маҳалла ҳудудидаги 43-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Зебо Муҳаммаджонованинг таъкидлашича, ҳар бир аёлнинг жисмоний машқлар билан шуғулланиши учун шифокорларнинг индивидуал тарзда ёндашиши, уларнинг саломатлиги чуқур тиббий кўрикдан ўтказилиши, шундан кейингина зарур жисмоний машқ тавсиялари берилиши тонгги гимнастиканинг янада фойдали, самарали кечишини таъминлайди.

Машғулотларнинг биринчи кунларида гимнастика кимлар учундир қийин кечса-да, аста-секинлик билан аёлларнинг ҳаракатларида тетиклик, аниқлик, чаққонлик кўзга ташланди. Вазни оғирроқ бўлган аёллар ўзида анча енгиллик ҳис эта бошлади. Кайфиятдаги кўтаринкилик бардамлик, касалликларга бўйин эгмасликда, ирода ва қатъиятнинг тобланишида асосий омил бўлмоқда.

– Уч йилдан буён "Эъзозли аёллар" гуруҳининг тонгги машғулотларига қатнайман, – дейди табаррук ёшдаги онахон Муяссар Фатхуллаева. – Мусаффо осмон остида, ям-яшил майсазор, арчазорлардаги гимнастикада наинки инсон жисми, балки кўзларимиз ҳам қувват олади. Машғулотлар сабабли бўғинларимдаги санчиқлар, бош оғриғи ортда қолди. Спортнинг соғлиқ учун нечоғли фойда эканини сўз билан таърифлаш мушкул.

Боғдаги машқ дийдор учун қулай фурсат. Онахонлар оила мустаҳкамлиги, фарзандлар тарбияси, улар камолоти, маҳалладаги меҳр-оқибат, инсонийлик, ҳамжиҳатлик бўйича фикр-тажриба алмашади. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларга, театр ва музейлар, кўргазмаларга, тарихий обидаларга саёҳатлар ўтказилиши "Эъзозли аёллар" гуруҳи аъзоларининг аҳиллигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Коммунал тўловлар: бурч ва масъулият

Барчамизга маълумки, юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар инсон манфаатларига қаратилган. Шундай экан, ҳақли тарзда ўзимизга менинг ҳам шу борада озгина бўлсада ҳиссам борми? Минг бир орзу-ҳаваслар билан фарзанд ўстиряпман, уларнинг роҳат-фароғатини кўриш умидидаман, уларга қай даражада намуна бўла оляпман, деган саволларни берайлик. Вақти келса орзу-ҳавасларимизни ҳамма нарсадан устун қўямиз. Имконимиз бўлмасада, баъзиларимиз дабдабали тўйлар қилишга, ортиқча сарпо-суруқ, "машиналар карвони"га маблағ топа оламиз. Таниш-билиш қиламиз, қарз-қурз оламиз. Шу ўринда ўзингиз айтинг, уйимизда кўнгилдагидек шароит бўлиши учун кўрсатилаётган хизматларга тўловни вақтида амалга оширяпмизми? Хизматидан фойдалангандан кейин ҳақини вақтида тўлаш ҳам қарз, ҳам фарз эмасми?

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Ўйлаймизки, нима демоқчи бўлаётганимизни аллақачон тушуниб етдингиз. Биз аввал ҳам бу мавзуга яна қайтишимизни эслатиб, ҳар биримизни кўрсатилаётган коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашга чақирган эдик. Бугун эса ваъдага вафо қилиб, яна соҳа мутасаддилари томонидан юборилган маълумотлар асосида, тўловни "эсдан чиқариб" қўйган айрим истеъмолчилар билан таништириб ўтамиз.

— Тошкент шаҳар "Сувсоз" ДУК ичимлик ва оқава сув хизматларини мунтазам етказиб берган ҳолда истеъмолчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда, — дейди "Сувсоз" ДУК бошқарувчиси ўринбосари Ш.Эгамбердиев. — Аҳолига истеъмол қилинган ичимлик суви ва фойдаланилган оқава сув хизматлари учун тўловларни кечиктирмасдан ўз вақтида амалга ошириш талаби қўйилган. Лекин, аҳоли ўртасида ўз мажбуриятларини бажармай, унга совуққонлик билан қараётганлар ҳам топилади. "Сувсоз" ДУК ва Сув тақсимоти бошқармаси масъул ходимлари улар билан мунтазам равишда дебитор қарздорликларни ундириш мақсадида тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Хонадонларга чиқиб вазият ўрганилмоқда. Коммунал хизматларидан фойдаланиб, уларга ҳақ тўламаслик салбий оқибатларга олиб келиши ҳақида огоҳлантирилсада, баъзи истеъмолчилар бунга бефарқлик билан қарамоқда. Ходимларнинг янада намунали хизмат кўрсатиши ва истеъмолчиларга ичимлик сувини мунтазам етказиб беришлари учун тўлов вақтида амалга оширилиши керак.

Мана, қарздорлар:

Учтепа тумани, Бешқайрағоч кўчаси, 56/2-хонадондан С.Холмуродов — 1. 182. 089, Сергели тумани, Спутник Ц2-3-уй, 10-хонадондан А.Барануйкин — 405. 674, Олмазор тумани, Талант кўчаси 10-уйдан И.Иргашев — 594. 442, Миробод тумани, Фитрат 33/1-3-хонадондан Ш.Раджабов — 446. 590, Яшнобод тумани, Оҳанграбо 1-17-хонадондан Ш.Юсупова — 301. 803 сўм.

"Тошиссиққуввати" ИЧБ УКси ҳам шаҳар аҳолисига иссиқлик ва иссиқ сув таъминотини бекаму кўст етказиб бериб, уларга масъулият билан хизмат кўрсатиб келмоқда. Албатта бу тизимда ҳам аҳолига иссиқлик ва иссиқ сув етказиб бериш хизматлари учун ойнинг 10 кунига қадар ўтган ойнинг тўловларини кечиктирмай тўлашлари лозимлиги тушунтирилган. Бундан хулоса қилмаётган истеъмолчилар ҳам бор: М.Улуғбек тумани, Қорасув-6, 21-уй, 14-хонадондан М.Мирзаахмедова — 3.726.267,02, М.Улуғбек тумани, Қорасув-2, 45-уй, 26-хонадондан А.Мирзияев — 2.426.767,73, Олмазор тумани, Олимпия массиви, 8-уй, 32-хонадондан Р. Маҳкамджонова — 5.485.596,09, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 27-уй, 34-хонадондан Б.Тулаев — 5.610.144,4, Юнусобод тумани, 11-мавзе, 14-уй, 14-хонадондан Э.Аббасов — 4.410.700,97 сўм.

"Махсустранс" Давлат ишлаб чиқариш бошқармаси шаҳримиздаги аҳоли ва ташкилотлардан маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиб, кўп қаватли уйлар ва маҳаллаларда тозаликни таъминлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Тасдиқланган йўналиш жадвалларига асосан якка тартибдаги уйли маҳаллаларга ҳафтасига икки маротаба махсус автотранспорт воситалари хизмати йўлга қўйилган. Кўп қаватли уйлар атрофида белгиланган жойларга қурилган қўриқланадиган чиқиндиларни йиғиш майдончаларидан маиший чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқиб кетилмоқда. Кўрсатилаётган хизматларнинг янада сифатли бажарилишини таъминлаш учун эса аҳоли тўловларни кечиктирмай тўлаши лозим. Лекин афсуски, ҳамма истеъмолчилар ҳам бу ишга виждонан ёндошмайдилар.

